Майкл Корнуэл миссис Бардуэллга олдин ҳам асалари зардобидан укол қилгани маълум бўлади.

Майкл Корнуэл шамоллашга қарши эмлаш ўтказиш баҳонасида бойлик илинжида акасига ҳам, яқинда унаштирилган жияни мисс Патси Корнуэлга ҳам асалари зардобидан укол қилади.

Доктор Хейльнинг шарофати билан Патси Корнуэл омон қолади. Майкл Корнуэл эса ўзига тегишли қуролнинг жабрдийдасига айланади [2:38-50].

"Чипор лента". (Артур Конан Дойл). (Қисқача мазмуни).

Ҳикоя Жулия Сторреннинг ғайритабиий ўлими билан бошланади. Ўлим сабаби номаълум деб топилади.

Изқувар Шерлок Холмс ва доктор Уотсоннинг изланишлари натижасида бу уюштирилган қотиллик эканлиги, яъни Жулия Сторреннинг ўгай отаси доктор Ройлотнинг бойлик илинжида қўйиган тузоғи эканлиги маълум бўлади. Жулия Сторен илон чақиши натижасида ҳалок бўлган эди.

Доктор Ройлот иккинчи ўгай қизи Эллен Сторреннинг унаштирилганини эшитгач, унга ҳам тузоқ қўяди, аммо бу сафар изқувар Шерлок Холмс ва доктор Уотсоннинг шарофати билан Эллен Сторен омон қолади. Доктор Ройлот эса ўз тузоғига ўзи тушади ва ҳалок бўлади [3:160-182].

Юқоридаги ҳикоялардаги фарқни Артур Конан Дойл ҳикоясидаги Жулия ва Эллен Сторенларнинг ўгай отаси Доктор Ройлотнинг ўрнида Антони Винн ҳикоясидаги Патси Корнуэлнинг амакиси Майкл Корнуэлнинг иштироки билан изоҳлаш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишим лозимки, шахсан мен танишиб чиққан детектив ҳикоялар ичида Артур Конан Дойл ҳикоялари ўзининг композицион тузилиши жиҳатдан, ҳар бир майда-чуйда деталларга алоҳида урғу берилиши ва унинг устида тўлиқ муҳокама олиб борилиши жиҳатдан, ўз давридаги ёзувчиларнинг асарларидан салмоқлилиги ва бетакрорлиги билан тубдан фарқ қилади.

Эътибор берган бўлсангиз, юқоридаги ҳикояларда айтиб ўтилган баъзи фарқларни ҳисобга олмаганда воқеалар тизими деярли бир хил. Бу билан бошқа ёзувчилар Артур Конан Дойлнинг асарларидан нусха кўчирган деган фикрдан йироқмиз, аксинча Артур Конан Дойлнинг юқорида қайд этилган бошқа ёзувчилардан олдинроқ яшаб, ижод қилганини хисобга олиб уни ундан кейинги ёзувчиларга устоз сифатида тан олиш мақсадга мувофиқ.

Артур Конан Дойлнинг ўша даврда ундан олдин бундай услубда детектив асар ёзган ёзувчи бўлмай туриб, такрорланмас услуб билан ўз йўналишини топгани бир оз фикр юритишга мажбур қилади ва бир вақтнинг ўзида ҳайратга солади кишини.

**Адабиётлар**


1. // "Фан ва жамият". 2010. 10-май. №185.
2. Антони Винн "Кипр асаларилари". ("Аср арафасидаги қотиллик" тўпламидан) –Тошкент: "DAVR PRESS". 2010.
3. Артур Конан Дойл. "Шерлок Холмс ҳақида ҳикоялар". –Т.: "Юлдузча". 1989. (Муҳаррир Шойим Бўтаев)
4. Валерий Ярхо "Темир гувоҳ" ("Миср эҳроми сири" тўпламидан). –Тошкент: "DAVR PRESS". 2010.
5. Агата Кристи "Мистер Дэвингеймнинг ғойиб бўлиши" ("Миср эҳроми сири" тўпламидан). –Тошкент: "DAVR PRESS". 2010.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада жаҳон детектив ҳикоянавислигининг таниқли намоёндалари асарларидаги ўхшашлик ва тафовутлар кўрсатиб берилган. Аниқроғи, А.К.Дойлнинг "Боском водийсининг сири" ҳамда Валерий Ярхонинг "Темир гувоҳ" асари, Артур Конан Дойлнинг "Лаби тиртиқ одам" ва Агата Кристининг "Мистер Дэвингеймнинг ғойиб бўлиши", Артур Конан Дойлнинг "Чипор лента" ва Антони Виннинг "Кипр асаларилари" асарларидаги ўхшашлик ва тафовутлар кўрсатиб ўтилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются особенности детективного жанра на материале произведений известных писателей мировой литературы. В работе анализируются сходства и различия между рассказами "Тайна Долины Боском" (А.К.Дойл) и "Железный Свидетель" (Валерий Ярхо), "Человек с рассечённой губой" (А.К.Дойл) и "Исчезновение Мистера Девингейма" (Агата Кристи), "Пестрая лента" (А.К.Дойл) и "Пчела из Кипра" (Антони Вин).

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of detective stories of the famous writers of the world literature peculiarities. The author analysed similarities and differences between the stories "The Boscomble Valley Mystery" by A.C.Doyle and "Iron Witness" by Valeriy Yarkho, "The Man with the Twisted Lip" by A.C.Doyle and "The Disappearance of Mr. Devingame" by Agatha Christie, "The Speckled Band" by A.C.Doyle and "Bees from Kipr" (by Antony Winn).


## ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ
### (Махтумқули ижодининг ўзбекча таржималари мисолида)


**Ф.Д.Сапаева** – *ўқитувчи*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар**: Махтумқули, шеър, таржима, туркман тили, ўзбек тили, мазмун, маъно, таржимон.

**Ключевые слова**: Махтумкули, стихотворение, перевод, туркменский язык, узбекский язык, содержание, смысл, переводчик.

**Key words**: Mahtumkuli, poem, translation, the Turkmen language, the Uzbek language, content, meaning, translator.


Маълумки, туркман тили туркий тилларнинг жанубий-ғарбий (ўғуз) группаси (гуруҳи) га тааллуқли тил ҳисобланади. Ўзбек тили эса туркий тилларнинг қарлуқ группасига хос. Бу икки тил вакиллари асрлардан бери бир-бирлари билан ёнма-ён, бир хил моддий-маданий, сиёсий-тарихий шароитда яшаб келишган. Шу сабабли уларнинг тилларида умумтуркий лексик-грамматик хусусиятлар кўп учрайди. Махтумқули шеърларини биринчилар қаторида ўзбек тилига ўгирган мутаржим Ж.Шарипов икки тил ўртасидаги бу имконият ва қулайликлардан маҳорат билан фойдаланган. Бунинг

устига, хоразмлик бўлгани, "Хоразм ўзбеклари тили туркман тилига бошқа ўзбек шеваларига нисбатан анча яқин"лиги унга янада қўл келган. У амалга оширган кўпчилик таржималарнинг аслиятга монанд жаранглаши шундан. Ж.Шарипов таржималарининг муваффақиятини таъминлаган асосий омил аслида *ўзбек ва туркман тиллари ўртасидаги ўзаро муштараклик* ҳисобланади.

Лекин ўзбек ва туркман тилларининг "ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжудки, бу хусусиятлар бадиий асар таржима қилинаётган вақтда яққол кўзга ташланади. Чунки яқин тиллар луғат бойлигида шаклан бир хил, мазмунан эса йироқ, ҳатто буткул бошқа маъно англатувчи сўзлар ҳам анчагина бор. Мазкур сўзлар матнини ўгириш давомида таржимонни янглиштиради ва асл нусха матнидан таржимага кўчиб ўтиши мумкин. Бунда эса таржима муқаррар бузилади, чунки мутаржимни янглиштириб таржима матнига кириб қолган сўз оригиналдаги вазифани таржимада бажармаслиги устига, ноўрин қўлланганлиги боисидан мантиқий узвийлик ҳамда бадиий мукаммалликка путур етказади". Ж.Шариповни асосан ана шу шаклан ўхшаш, аммо мазмунан бир-бирига зид сўзлар-сохта эквивалентлар чалғитган: у таржималарида йўл қўйган хато-камчиликларнинг катта қисми шундай "алдоқчи сўзлар" ҳиссасига тўғри келади.

Махтумқули шеърлари таржималари ҳозиргача яхлит монографик тадқиқот объекти бўлган эмас. Шоир шеърларининг Ж.Шарипов томонидан қилинган таржималари хусусида бир неча мақолалар ёзилган [1], айрим дарслик ва рисолаларда улар хусусида мухтасар фикр юритилган [2:52-61], холос. Бинобарин, бу таржималар тўла ҳолида тадқиқот доирасига тортилган эмас. У таржима қилган мавжуд 314 та шеърни туркманчасига қиёслаб ўрганиш натижасида сохта эквивалентлар борасидаги хато-камчиликлар ушбу мақола ва китобларда қайд этиб ўтилганидан анча-мунча кўплиги маълум бўлди. "Ўзбек ва туркман тилларидаги шаклан ўхшаш, аммо мазмунан турли маъноларни англатган лексик бирликлар таржимонни кўп ўринларда чалғитади. Таржимон Махтумқули асарларини ўзбек тилига ағдарар экан, туркий тиллар группасига мансуб бўлган ўзбек ва туркман тилларинниг муштарак томонларига (фонетик-морфологик, лексик хусусиятлари) кўпроқ таяниб, кўп миқдордаги сўзларнинг шаклдаги ўхшашлигига асосланиб, сўзма-сўз таржимага зўр берган. Натижада шоир шеърларининг маъносига путур етган"[3:48].

Маълумки, туркий тилларда "қўл" сўзи "эл", "ал" тарзида ишлатилади. Лекин "ал" туркман тилида кўп маъноли бўлиб, 1) ҳийла, макр, 2) оч қизил ранг, 3) жин, ажина, ёвуз руҳ каби маъноларда қўлланади. "Қўл" сўзи эса "эл" шаклида ёзилади. Ж.Шарипов макр-ҳийла маъносидаги "ал" сўзини "Чилим" шеъри таржимасида "қўл" деб тушунади: "Ал билен алдап сени хер дем өзиге зар эдер" – "Қўл билан алдаб сени, ҳар дам ўзига зор этар". Бу хатонинг келиб чиқиш сабабини М.Тайлақова ва М.Сапаровлар шундай изоҳлайдилар: "Хоразмда ўзбек адабий тилидаги "қўл" сўзи "ал" сўзи билан ифода этилади. Хоразмча "ал" туркман тилида "эл" орқали ифодаланади. Таржимон хоразм шевасидаги "ал"га ўхшаш бўлган туркманча "ал"ни "қўл" деб нотўғри ўқийди ва Махтумқули айтмоқчи бўлган фикрни бузиб таржима қилади. Шаклий ўхшашлик таржимонга панд берган" [3:50]. Ўз навбатида, туркман тилидаги "эл" сўзи ўзбек тилида – "халқ, юрт" маъносида келади. Бинобарин, бу сўзни айнан қолдириш ўзини оқламайди: "Нәгәх худайым эл тутар" – "Ногоҳ Худойим эл тутар".

"Кўринар" шеъри таржимасида Ж.Шарипов "гаррып" – "қариб" сўзини "ғариб" деб адашади:

***Аслиятда:***

Серинден думани гитмез,
Эйям гечип, ере батмас,
*Гаррып* галмаз, өлмез, йитмез,
Горганлы даглар, гөрүнер.

***Ж.Шарипов таржимасида:***

Бошидан тумани кетмас,
Айём ўтиб, ерга ботмас,
*Ғариб* қолмас, ўлмас-йитмас,
Қўрғонли тоғлар кўринар.

"Дейди: "Хабар йўқ сиздан" шеъри таржимасида М.Кенжабек шундай хатога йўл қўйган: "Дийди: "Гаррып чөкесен" – "Деди: "Ғариб, чўкарсан". Ҳолбуки, бу ерда "қариб чўкарсан" бўлиши керак. Чунки туркман тилида "қаримоқ" билан боғлиқ сўзлар икки "р" ҳарфи билан ёзилади: "гарры", "гаррылык", "ғариб" сўзи эса битта "р" билан: "гарып" . М.Аҳмад бу иборани тўғри таржима қилган: "Деди: "Қарриб чўкарсан". Лекин унинг туркманчага тақлидан иккита "р" ишлатиши нотўғри.

Туркман тилида "ёз" сўзи "баҳор" маъносида келади, ёзнинг ўзи эса томус дейилади. Лекин Махтумқули таржимонларининг барчаси бу сўзнинг маъноси устида ўйлаб ҳам ўтирмай, ўзини қўллаб кетаверадилар. Ҳолбуки, Э.Очилов тўғри ёзганидек, "Йигитлик – эгленмез яздыр" мисрасини М.Аҳмад каби "Йигитлик тўхтамас ёздир" деб эмас, балки "Йигитлик – қайтмас баҳордир" деб таржима қилиш керак" [4:15].

Чунки ёшлик баҳорга қиёсланади, ёз – ўрта ёшликка тўғри келади. Бинобарин, *Ж.Шарипов таржимасида* "Магтымгулы, йигитлик бир яз гөрнер" мисрасининг "Махтумқули, ёшлик бир ёз кўринар", – деб ўгирилгани, тўғрироғи, "ёз"нинг айнан ўтказилгани шоир фикрининг ўзгариши – бузилишига сабаб бўлган. Айни хато А. Жумаев ва Ж.Зулпиевлар таржимасида ҳам такрорланган: "Махтумқули, йигитлик бир ёз каби". Мана бу мисра таржимасида ҳам "ёз"нинг айнан қолдирилиши ўзини оқламаган: "Чахар пасла башдыр яз" –"Тўрт фаслга бошдир ёз". Йилнинг боши – баҳор, бинобарин, барча, фаслларнинг боши ҳам у.

*Ж.Шарипов яна:* "Нейсансыз, небатсыз ниче язлар бар" мисрасини "Ёмғурсиз, гиёҳсиз неча ёзлар бор" деб таржима қилади. Мантиқ эса бу ерда ёзни эмас, баҳорни тақозо қилаяпти: ёмғир ёғиши ҳам, гиёҳ кўкариши ҳам баҳорга хос. Қолаверса, бу ерда найсон тилга олинаяптики, у "сурёний тақвими бўйича апрель ойига тўғри келадиган 4-ой номи". Демак, найсон – ўрта баҳорда, апрель ойида ёғадиган ёмғир.

***Аслиятда:***

Бахарда ачылан реңбе-рең гүллер,
Бир пасыл ачылар – яза мыхмандыр.

***Ж. Шарипов таржимаси:***

Баҳорда очилган ранг-баранг гуллар
Бир фасл очилар, ёзга меҳмондир.

Ўз-ўзидан савол туғилади: “Нега энди баҳорда очилган гул ёзга меҳмон бўлар экан?” У ёзгача борадими-йўқми?

Баҳорда очилган гул баҳорга меҳмон-да.

“Асл нусхада *бахар* ва *яз* бир фаслнинг икки хил номи. Таржимада эса *баҳор* ва *ёз* бошқа-бошқа фасл номлари бўлиб қолган” [6].

Албатта, таржима қонуниятлари муайян сўзга ёпишиб олишни, уни айнан таржима тилига ўтказишни талаб қилавермайди, зарур ҳолатларда ён беришлар, четга чиқишларга ҳам йўл қўяди. Жумладан, шеърий таржимада вазн ва қофия талаби билан баъзида сўзлар ўзгартирилади, фақат маънонинг оёғини осмондан келтирмаса бас.

Яна сўз урғуси бор, маъно урғуси бор. Урғу сўзга тушса, уни таржимада ҳам албатта акс эттириш керак. Лекин урғу маънога тушса, асосий эътиборни маънони чиқаришга қаратиб, сўзни ўзгартириш, баъзида ҳатто тушириб қолдириш мумкин.

Демак, айнан баҳор эмас, умуман фаслларнинг бири маъносида келса, *ёзни ёз* деб ҳам таржима қилса, хато бўлмайди. Лекин конкрет фаслни ифодалаб келганда, уни аслича қолдириш маънонинг ўзгариши ёки бузилишига сабаб бўлади.

Маълумки, “гап” маъносидаги “сўз” бор, форс-тожикчадан кирган “ёниш-куйиш” маъносидаги “сўз” бор. Туркман тилида биринчиси – сөз, иккинчиси – “сўз” шаклида ёзилади. Лекин таржимонлар кўпда буни фарқлаб ўтирмайдилар, асосан, “гап, нутқ” маъносидаги “сўз” деб тушунадилар. Мисол учун, *Ж.Шарипов*: “Соран болса, сынам ичре сузлар бар” мисрасини “*Сўрар бўлса, сийнам ичра сўзлар бор”* деб таржима қилади.

Аслида “Сўрар бўлса, сийнам ичра ўтлар бор” деб таржима қилиш керак эди. М.Аҳмад эса “сўз” маъносидаги “сөз”ни “соз” (мусиқа асбоби) деб талқин қиладики, “соз” туркманчада “саз” шаклида ёзилади: “Жошар сен, хер сөзи пейда эдер сен”–“Жўшарсан, ҳар созни пайдо этарсан”. М.Кенжабек эса “ёниш-куйиш” маъносидаги “суз” сўзини “сўз тарзида бериб, матн ости ҳаволасида изоҳ беради.

Туркманчада “хатыра” – ҳурмат, обрў-эътибор, шон-шараф маъноларини билдиради. Бундан бехабар М.Кенжабек уни “хотир” деб олади. Натижада аслият мазмуни бузилади: “Гачар агаң, иниң, болмаз хатыраң” мисрасининг мазмуни “Оға-инининг қочар, ҳурматинг қолмас” бўлиб, уни “Қочар оғанг, ининг, бўлмас хотиринг” деб таржима қиладики, бундан “Оға-ининг сендан қочиб, эс-ҳушингни йўқотасан” деган маъно келиб чиқади. Ушбу мисрани *Ж.Шарипов ҳам* (“Қочар оға-ининг, бўлмас хотиранг”, А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар ҳам шундай таржима қилишган (“Қочар оға-ининг, бўлмас хотиринг”. Маълум бўладики, учала таржима ҳам аслиятга мувофиқ эмас ва тўртинчи таржимага эҳтиёж мавжуд.

Туркман тилида “ёд” сўзи ҳам, “ёт” сўзи ҳам бир хил – “ят” шаклида ёзилади (ТРС, 820-821). Таржимонларимиз уларни фарқлашда ҳам янглишадилар. “Бизга сохта ва тусмол тарзда “эквивалент” бўлиб кўринган сўзлар асл нусхадаги минглаб оддий сўзлар орасида, контекст ичида бўлади. Демакки, шу “алдоқчи” сўзнинг мазмуни унга ёндош бўлиб келган сўзларда, ифода этилаётган мазмун ва мантиқда, грамматик конструкцияда – гарчи қисман бўлса ҳам акс этади. Шунга кўра, ҳар бир таржимон мантиқий муҳокама йўли билан маъноси ўзига қадар равшан бўлмаган сўзнинг ҳақиқий эквивалентини топиб, ўз ўрнига қўя олади”. Чунончи, қуйидаги мисрадаги “яқин” сўзи ўзининг зидди – “ёт” сўзини тақозо қилаётгани яққол кўриниб турган бўлса-да, *Ж.Шарипов* уни “ёд” деб тушунади – бу ерда эгалик ва келишик қўшимчалари қўшилиши натижасида “т” ҳарфининг “д” га айланиши таржимонни чалғитган кўринади: “Билдиң якын-ядыңны, гөзүң дүнйәни гөрди” – *“Билдинг яқин ёдингни, кўзинг қаерни кўрди”.* Таржимада мантиқ бузилган: бу ерда: “яқин-ёдингни” эмас, балки “яқин-ётингни” бўлиши керак. М. Кенжабек ҳам уни шундай таржима қилган, фақат салафи таржимасидаги “қаерни” сўзи ўрнига “дунёни” сўзи берилган (балки Ж.Шарипов таржимада шоир шеърларининг бошқа нусхасидан фойдалангандир): “Билдинг яқин-ёдингни, кўзинг дунёни кўрди”. Шеърнинг учинчи таржима нусхасига бориб – А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар таржимасида ниҳоят бу хато тузатилган: *“Билдинг яқинни-ётни, кўзинг дунёни кўрди”.*

Қуйидаги ўринларда эса, аксинча, “ёд” сўзи “ёт”га айланган: “Бизлерден ки ят кылып сен, бент эйледиң тилимни” мисрасининг мазмуни “Бизларни ёд этиб, тилимни банд айладинг” бўлиб, О.Тўраев уни “Бизларданки, ёт қилиб, банд айладинг тилимни” деб таржима қилади. М.Кенжабек эса “Ол не жымаг эйләр, не чыкар ятдан” мисрасини “Ул на жимоъ айлар, на чиқар ётдан” деб хато ўзбекчалаштиради.

“Ўрмоқ” маъносидаги “ормана” сўзини М.Кенжабек “ўрмона” деб таржима қилади: “Экен экиниң бишип, орак ормана гелдиң” – “Эккан экининг пишиб, ўроқ ўрмона келдинг” (МС, 2004, 76). Ҳолбуки, “ўроқ ўрмона” ўрнига “ўроқ ўрмоққа” бўлиши керак. Бошқа бир шеърда эса “ўроққа” маъносидаги “орага” сўзини “арога” (орага) деб ўгиради: “Ти”, тур хабы-гафлатдан, өмрүң гелмиш орага – “Те” – тур хоби ғафлатдан, умринг келмиш арога”. Мисранинг мазмуни: “Ғафлат уйқусидан уйғонки, умрингнинг ҳосили ўроққа келмиш (яъни умринг охирлаб қолди)”.

Кўплаб сўзларнинг имлоси – туркман тилида қандай ёзилишини билмасликларининг ўзи таржимонларнинг туркман тилини ҳаминқадар билишларини кўрсатиб турибди.

Сохта эквивалентлар таржимаси борасида Махтумқули таржимонлари шунчалик кўп хато-нуқсонларга йўл қўйганларки, беихтиёр “Улар таржимага жиддий ёндашганларми, масъулият билан қараганларми ўзи?” деган ҳақли савол туғилади. Тил билмаганликлари, луғат кўрмаганликлари-ку майли, агар тажриба бўлганида мазкур хатоларнинг кўпчилигини ҳатто интуиция билан ҳам бартараф этса бўлар эди.

Кўпчилик таржимашуносларнинг фикрича, сохта эквивалентларни фарқлай олмаслик таржимонларнинг аслият тилини билмасликлари билан изоҳланадики, келтирилган таҳлиллар бу фикрни яна бир карра исботлайди.

**Адабиётлар**

1. Қурамбоев К. Шеърий таржимада миллийликни қайта яратиш ва таржимон маҳорати. // Қурамбоев К. Таржима ва таржимон масъулияти. 65-88-б. Тайлақова М., Сапаров М. Махтумқули асарлари тилининг ўзбекча таржимасига баъзи бир қайдлар. 46-53-б.

Абдуллаев Ҳ. Ўлмас шеърият. //Ўзбекистон маданияти, 1977, 12 апрель; Очилов Э. Махтумқули асарларининг ўзбекча таржималари. 13-23- б.

2. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. 71-76-б. Қурамбоев К. Махтумқули шеърияти Ўзбекистонда. 52-61-б.
3. Тайлақова М., Сапаров М. Махтумқули асарлари тилининг ўзбекча таржимасига баъзи бир қайдлар.
4. Очилов Э. Махтумқули асарларининг ўзбекча таржималари. 15- б.
5. Сапаров М. Хоразм воҳасидаги туркий тилларнинг ўзаро муносабатлари. (Ўзбек ва туркман тиллари материаллари асосида). – Т.: «Фан», 1988. 93-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада Махтумқули шеърларининг ўзбекча таржималари ҳақида сўз юритилади. Хусусан, Махтумқули шеърларининг шакл ва мазмун муштараклиги, таржимонларнинг сўз қўллаш маҳорати таҳлил қилинади ва бадиий таржимада сўзнинг мавқеи хусусида баҳс юритилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говорится о переводчиках стихов Махтумкули на узбекский язык. В работе на примере узбекских переводов стихотворений Махтумкули анализируется мастерство применения слов переводчиками, а также ведётся полемика о статусе слова в художественном переводе.

**SUMMARY**

The article is about the interpreters of the poems by Mahtumkuli in to the Uzbek language. In the article the translators` skill in using words in the process of translating the poems by Makhtumquli has been analyzed, the value of word in literary- artistic translation is also discussed.

## С.НУРЫМБЕТОВТЫҢ ПОЭМАЛАРЫНЫҢ ҚОСЫҚ ҚУРЫЛЫСЫНДАҒЫ УЙҚАС ХӘМ ОНЫҢ ТҮРЛЕРИ

**Ш.О.Сайымбетов –** *үлкен илимий хызметкер-излениўши*
*Өзбекстан Республикасы Илимлер академиясы Қарақалпақстан бөлими*
*Қарақалпақ гуманитар илимлер илим-изертлеў институты*

**Таянч сўзлар:** халқ шоири, лирика, лиро-эпика, поэма, шеър, қофия.
**Ключевые слова:** народный поэт, лирика, лиро-эпика, поэма, стихосложение, рифма.
**Key words:** people's poet, lyrics, lyric-epic, poem, versification, rhyme.

Лирикалық түрде жазылатуғын шығармалардың көркемлилигин, эмоциональ тәсирлилигин, эстетикалық күшин тәмийинлейтуғын компонентлерден бири уйқас болып табылады. Өйткени, қосық қатарлары композициялық жақтан бир-бири менен өз ара үнлестирилмей, шеберлик пенен уйқастырылмаса белгили дәрежеде ырғаққа тәсир жасайды. Нәтийжеде, шығарманың көркемлиги бузылады, эмоционал тәсиршеңлиги төменлейди, ой-пикир хәм ишки кеўил-кеширмелердиң мазмунсыз баянланыўына алып келеди. Тийкарынан, «уйқас қосық қатарларының ақырында келиў арқалы күшли ырғақты пайда етип, оқыўшының дыққатын айрықша өзине аўдарып турады» [7:62-63]. Яғный, «уйқас ырғақты күшейтеди, тармақ жиклерин ажыратады» [12:605].

Лирикалық шығармалардың қосық қурылысы төрт түрге ырғақ, уйқас, өлшем, бәнт болып бөлинетуғынлығы белгили. Қосықлар дөретилгенде усы компонентлердиң қатаң сақланыўына кеўил бериў, итибарды айрықша қаратыў талап етиледи. Себеби, олар лирикалық шығармалардың ең тийкарғы элементлери, компонентлери болып есапланады. Усы компонентлердиң шеберлик пенен қолланылыўы менен лирикалық усылда жазылған дөретпелердиң өзине тән көркемлилиги, терең идеялық мазмуны арттырылады, ой-пикир хәм ишки туйғылардың айрықша тәсирли болып ашылыўы тәмийинленеди. Бул компонентлердиң ишинде «уйқас қосықтың көркемлилигине тиккелей тәсир жасайды. Сәтли табылған қатар, өз орнында қолланылған сөзлер менен уйқастың байланысы пикирдиң сулыўлығын, образлылығын тәмийинлейди, оқыўшыда эмоционал, эстетикалық сезимлерди пайда етеди» [11:106-107].

Уйқас барлық халықлардың лирикалық шығармаларының қосық қурылысында ушырасатуғын элементлерден бири болып есапланады. Яғный, «орыс, қазақ, өзбек, түркмен, қырғыз хәм басқа да халықлар поэзиясындағы уйқаслар қосық қурылысының бир бөлеги сыпатында изертленип киятыр» [2:71]. Уйқастың айрықша белгилери, оның шығармада атқаратуғын хызметлери туўралы илимий-теориялық пикирлер усы күнге шекем бир неше әдебиятшы илимпазлар тәрепинен атап көрсетилди. Қосық қурылысындағы уйқаслар ҳаққында пикир жүриткенде бул илимпазлардың көрсетпелерин, түсиниклерин итибарға алыў орынлы болады. Яғный, С.Ахметов хәм Қ.Султановлар тәрепинен шығарылған «Әдебияттаныў» мийнетинде уйқас «қосық қатарларындағы сөз ақырларының бирдей ямаса буўын жағынан бир үнлес болып келиўи» [1:173] арқалы пайда болатуғынлығы көрсетиледи. В.Жирмунский уйқас қосықтың тийкарғы элементлериниң бири болыўы менен бирге, ол хәр бир бәнттиң бир-бири менен бириктирилиўин тәмийинлейтуғынлығын айтып өтеди [6:255]. Бул илимпаздың пикиринше, уйқас тийкарынан «қосықтың бәнтлик қурылысында шөлкемлестириўшилик хызмет атқаратуғын хәр қандай сеслик қайталаўлар» [5:9] болып есапланады.

Уйқас ҳаққында илимий-теориялық жақтан оғада дурыс билдирилген пикирлер сыпатында М.К.Ҳамраев хәм У.Тўйчиевлардың анықламаларын көрсетип өтиў орынлы деп ойлаймыз. Бул илимпазлардың мийнетлеринде «уйқас арқалы қосықтағы ой-пикирди алып жүриўши сөз айрықшаланып турады» [4:28]. «Уйқастың тийкарғы функцияларынан бири шығарма мазмуны хәм идеясының жеткерилиўи ушын жәрдем бериўши түсиниклерди тастыйықлаў хәм күшейттириўдур» [13:109] - деп көрсетиледи.

Демек, жоқарыда көрсетип өтилген әдебиятшы илимпазлардың илимий пикирлерине сүйенген ҳалда, оның көбинесе, қосықтың соңында бир-бирине жақын ямаса өз ара үнлес болған сеслерден қуралған сөзлердиң қолланылыўы арқалы хәр бир қатардың